

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

МЕЪЁРИЙ ЛОЙИХАЛАР

Қандай медикаментларга ҚҚС бўйича имтиёз жорий этилмайди

ҚҲТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг Импорт қилишда Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатининг янги таҳририни тасдиқлайдиган қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Солиқ кодексининг ушбу моддасига мувофиқ дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича олиб қилинадиган хом ашё

импорти ҚҚС тўлашдан озод этилади. Мазкур имтиёз олиб қилинаётган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситаларига, ветеринария дори воситаларига, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Маълумот учун: ҳозирда Рўйхатда 67 номдаги дорилар мавжуд, бироқ Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон қарориди тиббий буюмлар ҳисобига рўйхатни кенгайтириш назарда тутилган.

Муҳокама учун тақдим этилган лойиҳа 74 позицияни ўз ичига олган, ундан 70 таси дори воситалари, 4 таси эса тиббиёт учун мўлжалланган буюмлардир.



Аҳолининг касалланиш таркиби, ички бозорни маҳаллий тиббий маҳсулотлар билан тўлдирилганлиги ва уларнинг сифатини таҳлил қилиш асосида дорилар ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказишни (қайта рўйхатдан ўтказишни) ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда Рўйхатга ҳар 6 ойда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Бунда тузатишларда янги номдагилари киритилиши, айрим позицияларнинг Рўйхатдан чиқарилиши, шунингдек тиббий препаратларнинг чиқарилиш шакли ва ТИФ ТН кодлари ўзгартирилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Болалар дориларини реклама қилишга рухсатнома олиш осонлашади

ҚҲТБТ порталида Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомга (15.12.2014 йилдаги 341-сон ВМҚ билан тасдиқланган) тузатишлар лойиҳаси жойлаштирилди.

Эслатиб ўтамиз, вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Реклама берувчилар дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома олиш учун ўзлари келган ҳолда «ягона дарча» марказига мурожаат қиладилар ёки

ЯИДХП орқали аризани электрон шаклда тақдим этадилар. Кейин «ягона дарча» маркази ходими ушбу ҳужжатларни ваколатли органга юборади. Жавоб реклама берувчининг электрон манзилига келади.

Рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- рухсатнома бериш тўғрисида белгиланган шаклда ариза;
- реклама материаллари (матн, сценарий, видео, аудио, мақола, модуль ва бошқалар);
- рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим (ЭКИХнинг 1 баравари миқдориди) тўланганлигини тасдиқловчи маълумот.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9 иш куни мобайнида рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим. Бу қарорни эксперт хулосасига асосан ваколатли орган томонидан тузилган комиссия чиқаради.

Рухсатномани қайта расмийлаштиришда давлат органи томонидан рухсатномалар реестрига ўзгартиришлар киритилади. Рухсатномаларни қайта расмийлаштириш ва бериш учун ариза ёки хабарнома олинган кундан бошлаб 2 кундан ортиқ бўлмаган муддат белгиланган.

Лойиҳа жорий йилнинг 23 июнига қадар муҳокама бўлади ва унга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, Моҳина Мирзаева,
«Norma Online» экспертлари.

РИВОЖЛАНИШ КўЛАМИ

Фармацевтика бозори: янги қоидалар ўзлаштирилмоқда

Мамлакатимиз фармацевтика бозорида катта ўзгаришлар юз берди. Ўтган йилдан бошлаб дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан унинг фаолиятига тузатишлар киритилди. Ушбу йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун (4.01.2016 йилдаги ЎРҚ-399-сон) ушбу соҳани ривожлантиришнинг янги векторини белгилувчи асосий ҳужжат бўлди. Унда белгиланган стратегияни Вазирлар Маҳкамасининг 6.04.2017 йилдаги 185-сон қарори давом эттирди. У янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги

Қонунни амалга ошириш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи ва чакана реализациясини тартибга солиш, аҳолини хавфсиз, сифатли ва самарадор дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга йўналтирилган.

Ушбу ҳужжат маҳаллий фармацевтика бозори ишига қандай янгиликлар киритади? Биринчи навбатда у билан дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи ва чакана реализация



қилиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланган. Унда сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар, мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган

дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини, шунингдек муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмларни уларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Уй – бузилади, мулкдорга эса компенсация тўланади

6-БЕТ

Хизмат сафари варағини тўлдирадиган одам бўлмаганда...

7-БЕТ

Лавозимни ўзимизча номлай оламизми?

4-Бетда

Бировнинг мулкига умид қилманг

Қайнонам ўзи сотиб олган ва унинг номига расмийлаштирилган Чирчиқдаги квартирани яшаш учун олампизга берди. Унда ўглини (турмуш ўртоғимни) ва набирасини (қизимни) пропискадан ўтказди, мени эса пропискадан ўтказишни истамаяпти. Аслида уни мен таъмирладим, барча коммунал тўловларни тўлаб келаман. Шу пайтгача Фарғонада прописка қилинганман.

Турмуш ўртоғим билан ажрашаётганда мен ёки қизим (16 яшар) қайнонам квартирасининг бир қисmini ола олампизми?

А.Умарова.

– Йўқ, ола олмайсиз.


Қўриб чиқилаётган вазиятда квартиранинг бир қисми турмуш ўртоғингиз билан умумий мулкнинг бўлгандагина унга даъво қилишнинг мумкин бўлар

эди, дарвоқе, у ажрашмасангиз ҳам бўлиб олиниши мумкин (ОКНинг 27-моддаси). Бироқ мазкур вазиятда турмуш ўртоғингиз квартира эгаси эмас, бинобарин, у бўлиб олинган предмет деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Ўзингиз ёзганингиздек, квартирани қайнонангиз сотиб олган, тегишинча, у эгаси сифатида мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга ҳақли.

Қизингизга келсак, гарчи ажрашиш пайтида квартиранинг бир қисмига даъво қилиши мумкин бўлмаса ҳам, бироқ вояга етгунча* ушбу турар жойда яшаш ҳуқуқи сақланади. Бироқ бунинг учун отаси ўша пайтгача шу ерда яшаши (пропискдан ўтган бўлиши) керак (Низомнинг 42-банди 5-хатбошиси, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Фуқароларнинг ўзлари эгаллаб турган турар жойларда вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб туришига йўл қўйганлик учун ЭКИХнинг 10 баравари миқдориди



жарима назарда тутилган (МЖТКнинг 223-моддаси 3-қисми).

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

*Шахс 18 ёшга тўлгунга қадар вояга етмаган (бола) ҳисобланади («Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Мерос: бошқанинг фойдасига воз кечиш

Бувамдан 6 нафар набирасига уй мерос бўлиб қолди. Оилавий кенгашда ҳамма уйни А набирасига беришга қарор қилди.

Нотариал идорада қолган набиралар ариза ёзиб, ҳар бири меросдаги ўз улушидан А набира фойдасига воз кечиши мумкинми? Ёки аввал ҳар бир набира уйга мероснинг ўз қисmini алоҳида расмийлаштириб, сўнг уни А набирага бериши лозимми?

Д.Мақсудов.

– Ҳа, мумкин.

Васиятнома ва қонун бўйича мерос олаётганда меросхўр мерос очилган* жойдаги нотариусга ариза бериб, меросдан воз кечишга ҳақли. Қонун билан мерос очилгандан кейин бундай ариза берилиши мумкин бўлган вақт чекланмаган (ФКНинг 1147-моддаси 1, 2-қисмлари, 1148-моддаси 1-қисми).

Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечайтганини кўрсатишга ҳақли (ФКНинг 1148-моддаси 3-қисми).

Бинобарин, фойдасига меросдан воз кечилаётган набирадан ташқари, барча меросхўрлар (набиралар) воз кечиш ҳақидаги аризаларни, меросни қабул қилаётган меросхўр эса – уни

қабул қилиш ҳақидаги аризани нотариусга тақдим этишлари шарт. Мерос очилган жойдаги нотариус ушбу аризаларни қабул қилиши керак («Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддаси). Бунда нотариус унга мурожаат қилган барча меросхўрларнинг шахсини уларнинг шахсига нисбатан ҳар қандай шубҳаларни истисно этадиган паспорти ёки бошқа ҳужжатларига асосан аниқлайди (Қонуннинг 32-моддаси).

Меросхўр шахсан ўзи тақдим этган меросни қабул қилиш ҳақидаги аризада нотариус унинг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томондан берилганлигини ва туғилган йилини

кўрсатади (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 231-банди 2-хатбошиси). Меросдан воз кечиш ҳақидаги аризалар нотариус томонидан мерос ишларини ҳисобга олиш китобида қайд этилади (Йўриқноманинг 270-банди 3-хатбошиси).

Агар нотариус бешта меросхўрдан меросдан воз кечиш ҳақидаги аризани қабул қилишни ва, тегишинча, фойдасига воз кечилиши арз қилинган меросхўрнинг меросга бўлган

ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этса, барча меросхўрлар ёки уларнинг исталгани ушбу ҳатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиши мумкин (Қонуннинг 39-моддаси). Бундай шикоят ФПКнинг 28-боби қоидаларига мувофиқ қўриб чиқилади (Олий суд Пленумининг 20.07.2011 йилдаги 05-сон қарори 18-банди 2-хатбошиси).

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

*Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганди эса, агар суднинг қарориди бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади (ФКНинг 1116-моддаси 1, 2-қисмлари).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 20 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2994,18	1 Малайзия ринггити	921,24
1 Англия фунт		1 Польша злотийси	1046,99
1 Стерлинг	5020,96	1 СДР	5428,12
1 Дания кронаси	591,96	1 Туркия лираси	1124,11
1 БАА дирҳами	1070,25	1 Швейцария франки	4038,33
1 АҚШ доллари	3930,91	1 ЕВРО	4396,02
1 Миср фунти	216,70	10 Жанубий Корея вонини	34,80
1 Исландия кронаси	39,00	10 Япония иенаси	354,04
1 Канада доллари	2974,14	1 Россия рубли	68,08
1 Хитой юани	577,14	1 Украина гривнаси	151,06

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни уйбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмасан.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	19.06.2017	1	1,7023	1	1,9055	1	0,0296
Арманистон	16.06.2017	1	481,77	1	538,28	1	8,35
Беларусь	19.06.2017	1	1,8874	1	2,1065	100	3,2692
Грузия	19.06.2017	1	2,4106	1	2,6941	100	4,1834
Қозғистон	19.06.2017	1	319,7	1	357,23	1	5,54
Қирғизистон	20.06.2017	1	68,5000	1	76,6995	1	1,1819
Молдова	19.06.2017	1	18,2346	1	20,3836	1	0,3164
Россия	20.06.2017	1	57,9585	1	64,8614	—	—
Тожикистон	19.06.2017	1	8,8200	1	9,8528	1	0,1518
Туркменистон	19.06.2017	1	3,5000	1	3,9183	100	6,0616
Украина	19.06.2017	100	2 602,1900	100	2 905,8656	10	4,5067

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

• МЕЪЁРИЙ ЛОЙИҲАЛАР

– Қандай медикаментларга ҚҚС бўйича имтиёз жорий этилмайди
– Болалар дориларини реклама қилишга рухсатнома олиш осонлашади

1-бет

• РИВОЖЛАНИШ КЎЛАМИ

– Фармацевтика бозори: янги қоидалар ўзлаштирилмоқда

1, 4-5-бетлар

• СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

– Бировнинг мулкига умид қилманг
– Мерос: бошқанинг фойдасига воз кечиш
– Хусусий мулк ҳуқуқида

– Валюталар курси

2-3-бетлар

• ҲҲЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Хизмат сафари пулими ёки дала таъминоти?
– Олганингизни қайтаринг

6-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Меҳнат дафтарчаси тўлди. Янгисини олайми?

– Ички ўриндошликни расмийлаштирамиз
– Компенсация тўланади
– Таътилга чиқиш ва ундан қайтиш фақат буйруқ асосида
– Ходим дам олиши керак
– Пенсияга чиқиш чоғидаги тўловлар

7-8-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Мен ва фарзандларим отамдан мерос қолган ва бузилиши керак бўлган уйда пропис-
кадан ўтганмиз.

1. Биз пропискадан ўтган, бироқ мулкдори ҳисобланмаган мерос қолган уй бузилганда
бизга бошқа турар жой бериладими?

2. Мулкимда онамнинг вафотидан кейин сотиб олган яна битта квартирам борлиги
бунга тўсқинлик қилмайдими?

О.Горбунова.

Хусусий мулк ҳуқуқида

1 Ҳа, берилади.

Ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, **мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг танлови бўйича, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади** ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади (УЖКнинг 27-моддаси).

Бундан ташқари, уй эгаси ва унинг оила аъзолари компенсациянинг бошқа турларини ҳам танлаш ҳуқуқига эга:


1) бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланиши;

2) якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси олиш, шунингдек ер участкасини ўзлаштириш даврига 3 йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой олиб, бузилаётган уйларнинг (квартираларнинг), иморат-

ларнинг, иншоотларнинг ва қучириб ташланган дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қийматлари ўртасидаги фарқлар тўлиқ ҳажмда қопланиши;

3) бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ҳамда иншоотлар қучирилиши ва янги жойда тикланиши;

4) янги жойда тенг қимматли уйлар, иморатлар барпо этилиши ҳамда уларга мулк қилиб берилиши. Бунда қучириб ташланаётган дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда берилаётган



ва олиб қўйилаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қийматлари ўртасидаги фарқ пул билан тўлиқ ҳажмда қопланади (УЖКнинг 27, 28, 30, 31-моддалари).

Турар жой олиш учун бузилаётган уй (квартира) эгаси бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин (бузиш бошлангунча 6 ойдан кечикмай) бир ой муддатда **оила аъзолари** ёки бошқа биргаликда яшайдиган (**рўйхатдан ўтган**) шахслар билан келишган ҳолда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига ўзига бузилган уй-жой ўрнига турар жой ажратиш тўғрисида ариза бериши керак, аризада оила таркиби, доимий яшайдиганлар сони, турар жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони олиш учун имтиёзлар кўрсатилади (ВМнинг 29.05.2006 йилдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 4, 16-бандлари).

Қўрилаётган вазиятда юқоридаги нормага мувофиқ уй бузилиши муносабати билан компенсацияга бўлган ҳуқуқни талаб қила оладиган мулкдор мавжуд эмаслиги боис келгусида компенсация билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида кўчмас мулк объектига мерос ва мулк ҳуқуқини расмийлаштириш масалаларини ҳал этишингизни қатъий тавсия этамиз.

2 Йўқ, тўсқинлик қилмайди.

Уйлар, квартиралар, уйнинг бир қисми, квартиранинг бир қисмига бўлган хусусий мулк миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатдан чекланмайди (УЖКнинг 11-моддаси 4-қисми).

Бузилаётган уй ёки квартира мулкдорининг мулкида бошқа турар жой бўлиши унинг оила аъзосини ёки унда доимий яшаётган бошқа шахсларни у ёки бу турдаги компенсацияни олиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Қонун ҳужжатлари мазкур масалаларда мулкдор – жисмоний шахсдан кўра мулкдор – юридик шахс манфаатларини кўпроқ даражада ҳимоя қилади.

Мисол учун, юридик шахсга тегишли бўлган уй, ишлаб иморатлар ва иншоотлар компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати у билан келишилгандан кейин бузилиши ёки қучирилиши мумкин (97-сон Низомнинг 30, 37-бандлари).

Ушбу норма давлат томонидан қафолатланган барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши принципига мувофиқ эмас (Конституциянинг 53-моддаси; «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси 2-қисми). Юридик шахсларни адолатли равишда юқоридаги ҳуқуқ билан таъминлаган ҳол-

да мазкур норма мулкдорлар – жисмоний шахсларни ундан асосий маҳрум қилади.

Конституция нормаларига бундай номувофиқликка йўл қўйиб бўлмайди, мазкур масалада кўчмас мулк мулкдорларининг иккала тоифаси – юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш йўли билан бартараф этишни талаб қилади.

Шу мақсадда юқоридаги нормаларга тузатиш киритишни таклиф этамиз, уларда жисмоний шахсга тегишли бўлган кўчмас мулк фақат компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати унинг мулкдори билан келишилгандан кейин бузилиши ёки қучирилиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

Кимлар сиртқи бўлимларда ўқиши мумкин?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ махсус сиртқи бўлим негизида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишни таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги қатор олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларида бакалаврларни тайёрлаш назарда тутилган.

Бу жараёнда Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимида 100 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 15, тўлов-контракт асосида 85 талабани ўқишга қабул қилиш режалаштирилган. Ҳўш, университетда қайси йўналишларда сиртқи бўлим очилади? Қабул қилиш шартлари қандай? Ўқиш муддати қанча вақтни ташкил қилади?

Бу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети мутасаддиларига мурожаат қилдик.

— Ишлаб чиқаришдаги ҳодимларнинг билим даражасини ошириш, янги замо-

навий технологиялар билан таништириш ва илмий жиҳатдан ёндашишга ўргатишда муайян олий ўқув юртиларида махсус сиртқи бўлимнинг очилиши муҳим аҳамият касб этади, — дейди университет биринчи проректори Ф.Аъзамов. — Шу кунгача университетимизда «Телевизион технологиялар» таълим йўналишида махсус сиртқи бўлим мавжуд эди. Унга ўтган ўқув йилида 322 абитуриент ҳужжат топшириб, уларнинг 50 нафари талабалikka қабул қилинган. Энди ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатиб, тегишли соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларга илмий даражасини ошириш, яъни олий маълумотли бўлиш имкони янада кенгайди.

Жорий ўқув йилида университетимизда махсус сиртқи бўлим уч таълим йўналишида очилади. «Телевизион технологиялар», «Компьютер инжиниринги» таълим йўналишлари бўйича 25 нафардан, «Почта алоқаси технологияси» таълим йўналишида 50 талаба ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган.

Сиртқи бўлимга ҳужжат топшириш учун абитуриент касб-хунар коллежининг мос йўналишида тахсил олган, камида уч йил шу соҳада ишлаган бўлиши керак. Абитуриентдан ўзи ишлаётган ташкилотдан тавсиянома олиб келиш талаб этилади.

Бунда ҳужжатларни топшириш тартиби кундузги бўлим билан деярли ўхшаш. Фарқли жиҳати, «Почта алоқаси технологияси» таълим йўналишига «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти, «Телевизион технологиялар», «Компьютер инжиниринги» таълим йўналишларига Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раҳбариятининг тавсияномаси талаб қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 август куни тест тарзида бўлиб ўтади.

Махсус сиртқи бўлимда ўқиш муддати уч йил. Талабалар ҳар ўқув йилида икки марта ўрта ҳисобда бир ойдан тахсил олади. Ҳамкор ташкилотлар билан бира ўқув режаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборилади. Талабаларга ушбу тасдиқланган ўқув режаси асосида билим берилади. Ҳар бир мутахассис ўзининг ташилототида амалиёт ўтади, қўшимча топшириқларни бажаради.

Бу борадаги яна бир муҳим жиҳат — ёшларнинг иш жойидан ажралмаган ҳолда таълим олиши. Бундан корхона ва муассасалар манфаатдор. Замонавий билимларни эгаллаган мутахассис ўзи ишлаб турган ташкилотда янада самарали хизмат кўрсата олади. Бу билан назария ва амалиёт уйғунлигига эришилади. Бакалавриятни тамомлаганлар ўқишни давом эттиришни истаса, магистратурада ҳам таълим олишлари мумкин.

ЎзА.

ҚАРОР ВА ИЖРО



Фармацевтика бозори:

фактлар аниқланган тақдирда муомаладан чиқариш ва йўқ қилиш тартиби ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, ҳужжат билан Хукуматнинг айрим қарорларига ўзгаришлар киритилган ва баъзилари ўз кучини йўқотган деб топилган. ВМнинг 185-сон қарори тadbirkorларнинг манфаатларига дахл этиши муносабати билан у 2017 йил 1 июлдан бошлаб, яъни қабул қилинганидан кейин 3 ой ўтгач кучга киради.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом (2-илова) «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Унда белгиланишича, дорихоналар:

- биносининг кириш қисмида дорихонанинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили (почта манзили) ва иш тартиби ҳақида маълумотлар кўрсатилган пешлава бўлиши керак;
- дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш, шунингдек уларни тайёрлаш учун берил-

ган лицензиянинг рақами, амал қилиш муддати, шунингдек уни берган орган тўғрисидаги маълумотларни ёки лицензия нусхасини истеъмолчилар танишиши учун қулай бўлган жойга (савдо залларига) жойлаштириши керак;

➤ барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари (26 номдаги) ва тиббий буюмлар (6 турдаги) ассортиментида бўлиши керак. Мажбурий медикаментлар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (АВ томонидан 6.12.2016 йилда 2846-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

➤ Республика комиссияси томонидан нархлари белгиланадиган ижтимоий аҳамиятга эга препаратлар рўйхатини савдо залларида жойлаштириши керак. Бунда уларнинг номлари давлат ва рус тилларида кўрсатилган бўлиши, ўлчами эса 12 шрифт ўлчамидан кам бўлмаслиги шарт;

➤ истеъмолчи учун мажбурий ахборотни савдо залидаги Истеъмолчи бурчагида, ўқиш учун қулай бўлган жойда жойлаштириши керак.

қалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси уларнинг ишчи органи этиб белгиланди.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ВМнинг 12.05.2017 йилдаги 284-сон қарори билан:

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом («СБХ»нинг бугунги сонидеги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда);

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги низом;

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби;

Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомлар билан қуйидаги лицензия талаблари ва шартлари белгиланди:

- дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;
- юридик шахс штатида камида бир ходим – олий фармацевтик маълумотга

эга бўлган дорихона мудирининг мавжудлиги;

➤ дорихона филиали очилишида – юридик шахс штатида камида 1 ходим – олий фармацевтик маълумотга ёки фармацевт ассистенти (ёрдамчиси) ихтисослиги бўйича ўрта махсус касбий маълумотга эга бўлган дорихона филиали мудирининг мавжудлиги;

➤ фармацевтик маълумотга эга бўлган ходимлардан дорихона ва дорихона филиали ходимлари таркибини шакллантириш;

➤ белгиланган тартибда мудирнинг малакасини ошириш;

➤ ўзига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ келувчи бино (хоналар)нинг мавжудлиги;

➤ белгиланган талабларга мувофиқ моддий-техник базанинг мавжудлиги.

Дорихона норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб бериши керак. У аниқланган қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмлар нарҳини белгилаш тартиби қўпол равишда бузилиши оқибатида амал қилиши тўхтатилган дорихоналар ва филиалларнинг реестрига киритилмаган бўлиши керак. Бу ҳолда дорихоналар ва филиалларнинг ходимлари ҳам қонунбузар дорихоналар ходимлари реестрида бўлмаслиги керак. Дорихона (филиал) мудир ўзгарганда ёки дорихона филиали ёпилганда бу ҳақда мазкур ҳолатлар юз бергандан сўнг 10 кун муддатда лицензияловчи органга белгиланган тартибда хабарнома тақдим этиш лозим.

Касса чеки билан бирга – савдо чеки

Амалдаги савдо қоидаларига кўра олди-сотди қилиш чоғида истеъмолчи-га касса чеки берилиши шарт. 2017 йил 1 июлдан бошлаб, касса чеки билан бир қаторда, истеъмолчи дорихонада товар чекини ҳам олиши керак. Унда қуйидагилар албатта кўрсатилиши лозим:

- дори воситаси ёки тиббиёт буюмининг номи;
- идентификация маълумотлари (номи, дозаси, қадоқлаш, миқдори);
- уларни берувчи шахсга оид маълумотлар;
- бериш санаси;
- нархи.

Истеъмолчида тиббий препаратларнинг нархи оширилганлиги хусусида шубҳа юзага келганда уни аниқлаш мумкин бўлиши учун ушбу талаблар белгиланган. Илгари дорининг номи кўрсатилмаган касса чекини тақдим этган истеъмолчи унинг нархи оширилганини исботлаши мушкул эди.

Дорихоналарда барча дори воситалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан врач рецептсиз беришга рухсат этилганларидан ташқари, фақат белгиланган шаклдаги рецептлар бўйича сотилади.

Тайёр дори воситалари бериладиган пештахтада рецептсиз бериладиган дорилар ва тиббий буюмлар нархи кўрсатилган ҳолда қўйилган бўлиши керак.

Нарх нархкўрсаткичда кўрсатилади, унда қуйидагилар ҳам қайд этилади:

- препаратнинг номи;
- дозаси, қадоқлаш, миқдори;
- препаратни берган шахсининг Ф.И.О., шунингдек имзоси.

Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхати соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган (АВ томонидан 30.11.2016 йилда 2842-сон билан рўйхатдан ўтказилган). У 1 225 та дори воситаси: 192 та монопрепарат ва 1 033 та комплекс препаратни ўз ичига олган. Яъни ҳужжат билан дорихона ходимларининг дориларни сотиш учун жавобгарлиги кучайтирилган.

ВМнинг 185-сон қарори чиқиши билан бир қатор ҳукумат қарорлари ўз кучини йўқотади. Улар орасида – ВМнинг «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (6.08.1994 йилдаги 404-сон); Республикада дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидалари (ВМнинг 404-сон қарорида 1-илова); Чекланган чакана нархларда сотиладиган ва барча дорихона муассасаларида мавжудлиги мажбурий бўлган энг зарур дори-дармонлар рўйхати (ВМнинг 404-сон қарорида 2-илова) ҳам бор.

Лицензиялаш соҳасида қандай янгиликлар бор?

2017 йил 1 апрелдан бошлаб дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Бу Президентнинг 14.02.2017 йилдаги ПҚ-2773-сон қарори билан назарда тутилган. Ана шу мақсадда ҳудудий комиссиялар тузилди. Қора-



«Ягона дарча»га борамиз

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фармацевтика фаолияти учун лицензия олиши осонлашди. Илгариги амалиётдан фарқи равишда, энди лицензия талабгори барча зарур ҳужжатларни (белгиланган шаклдаги аризани) «ягона дарча» марказига тақдим этади. Ҳужжатларни ўзи келиб ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон тарзда тақдим этиш мумкин. Аризачи жавобни электрон тарзда олади.

5 йил муддатга лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун ишчи орган ҳар бир дорихона (филиал) учун ЭКИХнинг 2 баравари миқдоридега йиғим ундиради. Ариза берувчи лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги

ҳудудий комиссия қарорини (хабарномани) ариза берган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда олади.

Агар аризачи лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб 3 ой мобайнида давлат божини (ЭКИХнинг 10 баравари) тўламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Ҳудудий комиссиянинг мажлислари ишчи орган томонидан зарур ҳужжатлар билан бирга тегишли аризалар тушишига қараб, бироқ ойда камида 2 марта ўтказилади. Зарур ҳолларда комиссия навбатдан ташқари мажлис ўтказиши мумкин.

янги қоидалар ўзлаштирилмоқда

Тўхтатиб туриш, бекор қилиш, тўхтатиш

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, лицензиянинг амал қилиши куйидаги ҳолларда **тўхтатиб турилиши** мумкин:

- лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

- лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензияловчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиши лицензияловчи орган томонидан 10 иш кунидан ўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса 10 иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Шунингдек лицензиянинг амал қилиши куйидаги ҳолларда **туғатилиши** мумкин:

- лицензиат лицензиянинг амал қилишини туғатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

- юридик шахс туғатилганда;

- лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир мартаба кўпол равишда бузганда;

- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган ёки суд белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

- лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

- лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатилишига олиб келадиган, **лицензия талаблари** ва шартларини **кўпол равишда бузилиши** ҳолатлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- мунтазам равишда (1 йил давомида 2 ва ундан ортиқ марта) лицензия талаблари ва шартлари, шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларга нарх белгилаш тартиби бузилиши;

- дори воситалари ва тиббий буюмларни мувофиқлик сертификатларисиз сақлаш ва (ёки) реализация қилиш;

- рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини сақлаш ва (ёки) реализация қилиш;

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахс томонидан реализация қилиниши;

- дорихонага олий фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахс, дорихона филиалига фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахснинг мудирлик қилиши;

- дорихона филиали томонидан

лицензияланадиган фаолият лицензиясиз амалга оширилиши.

Куйидагилар дори воситалари ва тиббий буюмларнинг **нархини белгилаш тартибини бузиш** деб тан олинади:

- уларни қатъий белгиланган нархларидан юқори нархда сотиш (343 та номланиш учун);

- белгиланганидан ортиқ савдо ус-тамаларини қўллаш (15/20%).

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш (лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ва юридик шахс-ни туғатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда) лицензияловчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

Қоидаларни мунтазам равишда ёки бир мартаба кўпол равишда бузганлик, қоидабузарликларни бартараф этмаганлик, шунингдек лицензияловчи органнинг қарори қонунга хилофлиги аниқланганлиги учун лицензиянинг амал қилиши суд тартибда тўхтатилади.

Лицензия куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

- лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, туғатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унинг кўрган зарари миқдорига жавоб беради.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, уларнинг сифатини назорат қилиш, уларни улгуржи реализация қилиш, шунингдек доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш учун 5 йил муддатга лицензиялар Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 284-сон қарорига 4-илова, «СБХ»нинг бугунги сонидagi ҳужжатлар пакетига 4-илова) мувофиқ берилади.

Чакана реализация қилиш ҳуқуқи учун лицензия олиш чоғида бўлганидек, ариза «ягона дарча» ёхуд Ягона портал орқали берилади.

Ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш учун лицензиялар юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Ўрни мазкур фаолият турига лицензиянинг юридик шахсни ташкил этмаган яқка тартибдаги тадбиркор ҳам олиши мумкин.

Лицензияга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ишлаб чиқарувчилари уларни улгуржи реализация қилишлари мумкин.



Лицензия олдингизми – талабларга риоя қилинг

Лицензия фармацевтика фаолиятини амалга оширишда муайян талаблар ва шартларни бажаришни назарда ту-тади. Улар куйидагилардан иборат:

- дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларига риоя қилиш;

- экология ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларга мажбурий риоя қилиш;

- фаолиятни лицензияда кўрсатилган доирада, шунингдек лицензия битимида мувофиқ манзилда (манзил-ларда) амалга ошириш;

- дори воситалари ва тиббий буюм-ларни **улгуржи реализация қилиш** билан шугулланган тақдирда штатида фармацевтик маълумотга эга бўлган, шунингдек лавозим мажбуриятлари-га мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажри-басига эга бўлган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реали-зация қилувчи ташкилот омборхонаси мудирининг мавжудлиги;

- **дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш** фаоли-яти билан шугулланган тақдирда шта-тида махсус маълумотга эга бўлган, лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган, дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва сифат назоратига масъул бўлган камида 2 на-фар мутахассиснинг мавжудлиги;

- **дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш** фаолияти билан шугулланган тақдирда юридик шахс штатида олий фармацевтик маъ-лумотга эга бўлган, шунингдек лавозим мажбуриятларига мувофиқ малакасини

оширганлиги тўғрисида сертификатга ва иш тажрибасига эга бўлган камида 1 ходим – дорихона мудирининг мав-жудлиги;

- лицензияланаётган фаолият ту-рини амалга ошириш учун мўлжаллан-ган, ўзига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа ашёвий асосида тегишли бўлган ва тегишли санитария қоидалари, нор-малари ва гигиеник нормативларга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат-ларга мувофиқ хоналарнинг мавжуд-лиги;

- лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-ша-роитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техника базасидан, асбоб-ус-куналардан, бошқа техник воситалар-дан фойдаланиш;

- дори воситалари ва тиббий буюм-ларни тайёрлашни, шунингдек доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун ваколатли назорат-таҳ-лил лабораторияси билан мажбурий шартнома тузиш.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда ча-кана реализация қилишдаги сингари талабгорнинг аризаси 15 кун давомида кўриб чиқилади ва ЭКИХнинг 2 барава-ри миқдорда йиғим ундирилади.

Юқорида кўрсатилганидек, лицен-зиянинг амал қилиши қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилади ва тўхтатилади ёки у бекор қилинади.

Фармацевтика фаолиятига лицен-зия берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ЭКИХнинг 10 бараварини ташкил этади.

Дилшод Азимов,

ЎзР Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини назорат қилиш бошқармаси бошлиги.

Хизмат сафари пулими ёки дала таъминоти?



Компаниямизда кушларни кузатиш учун 2–3 ва ундан ортиқ кунга сахрога хизмат сафарига чиқадиغان экологлар бор. У ерда керакли жойга келган ва кетганларини хизмат сафари варағида белгилайдиган ҳеч ким йўқ.

Агар хизмат сафари варағида келган ва кетганликни тасдиқловчи одам бўлмаса, хизмат сафарини ҳужжатларда қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

Ж.Латинов.

– Саволда кўрсатилган фаолият турини **ходимларга дала устамасини** тўлаган ҳолда дала шароитларидаги иш сифатида расмийлаштирган маъкул. Уни тўлаш тартиби Дала шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 2.07.2012 йилдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган.

Ўз ходимларига дала устамаси тўлаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхати мансублиги бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан, вазирликлар ва идоралар таркибига кирмайдиган ташкилотлар (корхоналар) томонидан эса – мустақил равишда (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда) тасдиқланади.

Ходимлар **дала ишларига** юборилиши ҳақида ташкилот бўйича буйруқ чиқарилади. Дала ишларига юборилаётган ходимларга одатда режа-топшириқ берилади, улар унинг бажарилгани ҳақида ҳисобот беришлари керак. Бунда **дала устамасининг сарфланган суммалари ҳақида ҳисобот талаб этилмайди**.

Ишлар бажариладиган жойгача (сахродаги) транспортда кузатишга келсак, уни корхона ҳисобига расмийлаштириш зарур (Солиқ кодексининг 145-моддаси 1-банди).

Агар транспорт кузатувини **чет транспорт ташкилоти** бажарётган бўлса, ҳаммаси – йўналиш варағи, ҳисобварақ-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси шартномага кўра расмийлаштирилади.

Агар корхона ўз транспортига эга бўлса, бу ҳолда дала ишларига юбориш тўғрисидаги буйруққа ҳайдовчини ҳам киритиш зарур.

Ходимлар дала ишларига ўз **транспортда** чиққанда улар билан компенсация тўлаган ҳолда шахсий автомобилларидан хизмат мақсадларида фойдаланиш шартномасини тузиш лозим.

Агар ташкилотда бундай сафарлар **хизмат сафарлари сифатида расмийлаштирилса**, барча ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ расмийлаштириш лозим.

Ходим ташкилотга эмас, балки режа-топшириқ ва хизмат сафари гувоҳномасига кўра муайян туман (вилоят), кўриқхона ҳудудида хизмат сафарига юборилганлиги сабабли келган ва кетганлиги ҳақидаги белгини туман (вилоят), кўриқхона маъмуриятида қайд этиш мумкин. Бундай тартиб ҳам ташкилотнинг локал ҳужжатлари ва ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиши керак.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими,
Наталья Гришутина, «Norma Online» эксперти.

2008 йилда корхона товарнинг қарз шартномасини тузди, унга кўра муайян вақтга **ЕММ** (бензин ва дизель ёқилғиси) берди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ **ЕММ** сотиш тақиқланади.

Агар тарафлар мажбуриятни янгилаш тўғрисида битим тузсалар, қарздор **ЕММ**ни пул билан қайтариш мажбуриятини бажариши мумкинми? Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун қандай қилиб тўғри йўл туттиш мумкин?

М.Саидахмедова.

Олганингизни қайтаринг

– Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Акс ҳолда бензин ва дизель ёнилғиси ҳақиқатда қайта сотилган бўлиб чиқади.

Ҳа, пулдан ташқари, турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёлар* (турли товарлар) ҳам қарз шартномаси предмети бўлиши мумкин. Бунда **қарз олувчи** қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, **қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни** қайтариб беришга мажбур (ФКнинг 732-моддаси 1-қисми). Ушбу норма маъносидан келиб чиқилса, қарз олувчи шартномани тузиш босқичидаёқ қарз сифатида олинган ашёдан қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз мақсадларида фойдаланади. Келгусида, ушбу ашёдан фойдаланиб бўлганидан сўнг қарз берувчидан олинган миқдорда худди шундай ашёни сотиб олиб, унга қайтаришига тўғри келади.

Қарз олувчи **ЕММ**ни пул билан қайтариш мажбуриятини бажаришга ҳуқуқий имкони борлиги (йўқлиги) ҳақидаги саволдан келиб чиқсак, унинг пул маблағлари бор. Пул энг ликвид актив ва универсал эквивалент ҳисобланади. Шу сабабли қарз олувчи қўрсатилган **ЕММ**ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарз берувчидан олганига тенг миқдорда сотиб олиши ва унга беришига (мохиятан олганда қайтаришига) ҳеч нима тўсқинлик қилмайди.

Мажбуриятни янгилаш, яъни тарафларнинг ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш ҳақидаги келишувдан фойдаланиш (ФКнинг 347-моддаси 1-қисми) олинган ашёдан қонунда назарда тутилган ҳол-

ларда айрим турдаги товарларни олиш-сотишнинг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФКнинг 386-моддаси 3-қисми). Чунончи, автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхатига (ВМнинг 5.02.2004 йилдаги 57-сон қарорига 2-илова) киради. У Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 57-сон қарорига 3-илова) билан назарда тутилган.

Нефть маҳсулотларини реаллизация қилиш тақиқланмаган, бироқ у лицензияланиши керак (бундан заводда идишларга қадоқланганлари мустасно) (Олий Мажлиснинг 12.05.2001

эмас (57-сон Низомнинг 36-банди 4-хатбошици).

Белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган ресурслар ёки биржа савдоларида сотиб олинган қайта сотилиши тақиқланган **ресурслар** истеъмолчилар томонидан **қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад олиб қўйилади**. Ресурсларни қайта сотиш ҳолларига йўл қўйган корхоналар раҳбарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка қада, жавобгарликка тортиладилар (ВМнинг 57-сон қарори 4-банди 2, 3-хатбошилари; Низом, ВМнинг 28.10.2010 йилдаги 239-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, қарз берувчи билан мажбуриятни янгилаш тўғрисида келишув тузиш орқали **ЕММ**ни пул билан қайтариш



йилдаги 222-II-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхат).

Истеъмолчилар томонидан Рўйхатга киритилган бошқа ресурслар сингари, белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган бензин ва дизель ёнилғисидан фақат **ишлаб чиқариш мақсадларида** фойдаланилади ва улар **қайта сотилмайди** (ВМнинг 57-сон қарори 4-банди 1-хатбошици). Шунингдек олинган савдоларида сотиб олинган автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси қайта сотилиши мумкин

мажбуриятини бажаришда ушбу ресурсларни қайта сотиш аломатлари юзага келади. Тегишли органларнинг бундай қилмиши эса МЖТКнинг 165-моддаси у ёки бу қисми бўйича ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлганда – ЖКнинг 190-моддаси бўйича лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш деб баҳоланиши мумкин.

Камол Музаффаров,
«Norma Online»
етақчи эксперти.

*Бир турдаги ҳамма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, оғирлиги, ўлчови ва шу кабилар билан белгиланадиган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ҳисобланади. Бундай ашёлар бошқаси билан алмаштира бўладиган ашёлардир (ФКнинг 87-моддаси 3, 4-қисмлари).

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техника-ни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробек тумани,
Т.А.Т.Имрзохонский 4-14,
Тел.: (998 71) 200 00 90,
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Меҳнат дафтарчаси тўлди. Янгисини олайми?

Ходимимизнинг меҳнат дафтарчаси саҳифалари тугаб қолди, унга навабтадаги ёзувни қайд этиш керак. Меҳнат дафтарчасига қўшимча варақ олиш учун хат билан меҳнат биржасига мурожаат қилдим. Менга айтиш пайтда қўшимча варақ йўқ, янги меҳнат дафтарчасини олиб, биринчи варағини йиртиб олиш, иккинчи варағида эса «Қўшимча варақ» деб ёзиб, келгусида фойдаланиш керак дея ёзма жавоб бердилар.

Меҳнат дафтарчаси тўлганда ундаги ёзувларни қўшимча варақда эмас, балки янги меҳнат дафтарчасида давом эттириш тўғрими?

Т.Хмирова.

– Йўқ, бу ҳуқуққа зид.

Қонун ҳужжатларида қўшимча варақ бланкасини меҳнат дафтарчаси бланкаси билан алмаштириш назарда тутилмаган. Қўшимча варақни расмийлаштириш ва ҳисобга олишда Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) амал қилиш зарур.

Меҳнат дафтарчасининг тегишли бўлимларидаги ҳамма бетлари тўлиб қолган тақдирда унга келгусида ёзувларни қайд этиш учун қўшимча варақлар юргизилади (Йўриқноманинг 1 бўлими 5-банди).

Амалиётда эса қўпгина ташкилотлар бандликка қўмаклашиш марказлари ҳар доим ҳам уларни

қўшимча варақлар билан ўз вақтида таъминла-масликлари сабабли меҳнат дафтарчалари бланкаларини юритишга мажбур бўладилар.

Сабаби меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини бериши шарт (МКнинг 108, 275-моддалари).

Бироқ меҳнат дафтарчаси қатъий ҳисобдаги ҳужжат ҳисобланиши, уни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ЖКнинг 227-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка олиб келишини назарда тутиш лозим.

Шу сабабли иш берувчилар ишга қабул қилиш чоғида ходимнинг меҳнат дафтарчаси тўлганлигига эътибор қаратишлари ва унга қўшимча варақ олиш учун олдиндан буюртманома беришлари даркор.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ
БЕЖИ ҚОШИДАЛМА
МИКРОД ТУМАН БАНДИККА
ҚОМҚАЛАНШИШ МАРКАЗИ

00017 ШАХР Тошкент а.б. Т.Айвонбонна кўчаси 64
Тел: 254-49-31, Fax: 251-48-07
www.bndi.kz

ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ПО ТРУДУ
ГОРОДА Ташкент
ЦЕНТР СОДЕЙСТВИЯ ЗАНИТОСТИ
МИРБАДСКОГО РАЙОНА

18005 GCLV, Ташкент р.б. Т.Шевченко 64
Тел: 254-49-31, Fax: 251-48-07
www.bndi.kz

№ 3/452

На № ОП/2131
от 25 мая 2017 года

На Ваше обращение в Единый портал государственных услуг Центр содействия занятости Мирабадского района сообщает следующее.

Согласно Постановления Кабинета Министров от 25.07.2000 г. № 283 трудовая книжка отнесена к числу официальных государственных документов, бланки которых изготавливают уполномоченные на то правительством полиграфические предприятия на специальной бумаге, имеющей защитные элементы от подделки и производимой на ГПО «Давлат белгиси» (приложение к Положению «О порядке заказа, изготовления, учёта, хранения и выдачи официальных государственных документов»).

На основании части 2 пункта 5 Инструкции № 402 «О порядке ведения трудовых книжек» утвержденным Министерством Труда и зарегистрированным Министерством юстиции 29.01.1998 года в случаях, когда в трудовой книжке заполнены все страницы соответствующих разделов, трудовая книжка дополняется вкладышем.

Вкладыш ведется работодателем по основному месту работы работника в том же порядке, что и трудовая книжка. Вкладыш без трудовой книжки недействителен.

Директор ЦЗ

Б.Н.Олимов

Ички ўриндошликни расмийлаштирамиз

Ташкилотимиз штатида атиги 10 киши бор, шу жумладан бош бухгалтер 0,5 ставкада ишлайди. Бухгалтер ёрдамчисини ишга олдик, у кассир вазифасини ҳам бажаради. Ушбу лавозимни Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификатори 16-бандига асосан «Бош бухгалтер ёрдамчиси/кассир» дея номлашга қарор қилдик.

Бундай лавозимни белгилашимиз мумкинми? Агар мумкин бўлса, у ходимларнинг қайси тоифасига киради ва Машгулотларнинг миллий стандарт классификатори (ММСК) бўйича қандай кодга эга бўлади?

Н.Мўминова,

– Ташкилотлардаги ходимлар ҳисоби, барча ҳужжатлардаги ёзувлар Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторида (ВМнинг 19.06.2015 йилдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган) кўрсатилган хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчилар касблари номланишига қатъий мувофиқликда амалга оширилиши керак.

Меҳнат дафтарчаларига ёзувларни киритишда, меҳнат шартномаларини тузишда, буйруқларни расмийлаштиришда, лавозимларни ходимларнинг тегишли тоифаларига киритишда хизматчиларнинг лавозимлари номларидан фойдаланиш борасида Классификаторни барча ташкилотларда қўллаш мажбурийдир.

Хизматчиларнинг айрим лавозимлари ва ишчиларнинг касблари бўйича

Классификаторда кўрсатилмаган ҳосила лавозимлар ва касблар белгиланиши мумкин, шу жумладан:

➤ ишчилар касблари бўйича – катта ва ёрдамчи;

➤ хизматчилар лавозимлари бўйича (саволда кўрсатилганидек) – ўринбосар, ёрдамчи, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, бош, етакчи, катта, кичик, олий маълумотли, ўрта махсус маълумотли, касб-ҳунарга доир маълумотли, сменали, бригадали, вилоят, туман, участка, кон ва ҳоказо (Классификаторнинг 16-банди).

Штат жадвалига бош бухгалтер ёрдамчиси лавозимининг киритилиши Классификаторнинг 16-банди талабларига мувофиқ келади. Бироқ 2 та лавозимнинг каср орқали бирлаштирилиши (кассир/бош бухгалтер ёрдамчиси) тўғри бўлмайди.

Штатида атиги 10 киши бўлган ташкилотда 2 бирлик – бош бухгалтер ёрдамчиси ва кассирга эга бўлиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тушунарли. Мазкур вазиятда бош бухгалтер ёрдамчиси зиммасига унинг розилиги билан касса операцияларини юритиш мажбуриятларини юклаш ва тарафларнинг келишувига кўра ишлар

Буйруқлар намуналарини келтирамиз.

Ишга қабул қилиш чоғида:

«2017 йил 1 июлдан Эргашева Наима Раҳимбековна штат жадвалига кўра иш ҳақи тўлаган ҳолда бош бухгалтер ёрдамчиси лавозимига қабул қилинсин.

Бош бухгалтер ёрдамчисининг лавозим мажбуриятларига қўшимча равишда Эргашева Н.Р. зиммасига унинг розилиги билан касса операцияларини юритиш вазифаси юклансин, қўшимча иш ҳажми учун 200 000 (икки юз минг) сўм миқдорида қўшимча иш ҳақи тўлансин (ЎЗР МКнинг 160-моддаси)».

Меҳнат фаолияти жараёнида қўшимча вазифалар юклатилганда:

«Ишлаб чиқариш зарурати сабабли 2017 йил 1 июлдан бошлаб бош бухгалтер ёрдамчисининг лавозим мажбуриятларига қўшимча равишда Эргашева Наима Раҳимбековна зиммасига унинг розилиги билан касса операцияларини юритиш вазифаси юклансин, қўшимча иш ҳажми учун 200 000 (икки юз минг) сўм миқдорида қўшимча иш ҳақи тўлансин (ЎЗР МКнинг 160-моддаси)».

Бунда хато қилмаслик ва «кассир вазифасини юклаш» деб расмийлаштирилмаслик муҳимдир. Бундай формулировка штат жадвалида кассир лавозими мавжудлигини англатади, «юклаш» эса бир неча касб ва лавозимда ишлаш сифатида расмийлаштирилади (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20-банди).

Бошқа вариант – бош бухгалтер ёрдамчиси билан меҳнат шартномасини имзолаш ва лавозим йўриқно-

масини тасдиқлаш чоғида унда касса операциялари юритилишини назарда тутиш лозим. Ҳақ суммасини лавозим маошига киритинг.

Бухгалтер учун белгиланган ММСК бўйича коди (2411) қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Шунга эътиборингизни қаратамизки, Классификаторда «бухгалтер-кассир» лавозими (ММСК коди – 3433) назарда тутилган. Янги лавозим яратиш ўрнига уни қўллаш имконини кўриб чиқинг.

Бош бухгалтер ёрдамчиси ва кассир – турли лавозимлар. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари классификацияси жадвалидан кўчирмага эътибор беринг (Классификаторга 2-илова):

Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Таълимнинг энг паст даражаси	ОТЙМК бўйича код
Бош бухгалтер	1231	Б	О/М	5230900
Кассир	4211	Т	ЎМҚХТ	3230900, 3230600

Корхона ходими билан тузилган меҳнат шартномаси унинг ташаббусига кўра бекор қилинмоқда. У иш вақтида 4 турдаги таътилдан фойдаланган: йиллик асосий таътил – 15 иш кунли (МКнинг 134-моддаси); қўшимча таътил – меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган иш учун бериладиган 12 иш кунли (МКнинг 137-моддаси); қўшимча (ижтимоий) таътил – 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор аёл сифатида 3 кун (МКнинг 232-моддаси); бир марталик таътил – корхонада 15 йилдан ортиқ ишлаган меҳнат фахрийси сифатида 1 кун (ушбу имтиёз тармоқ қелишуви ва жамоа шартномасида назарда тутилган).

Меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда қандай таътиллار учун компенсация тўлашимиз керак?

А.Сагдеева.

Компенсация тўланади

– Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт (МКнинг 108, 110-моддалари). Агар меҳнат шартномаси бекор қилинган пайтга келиб ходим жорий иш йили учун ёки бир неча йил учун йиллик меҳнат таътилларида фойдаланмаган бўлса, унга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151, 275-моддалари). Бунда меҳнат шартномасини бекор қилиш сабаби аҳамиятга эга бўлмайди.

Умумий қоидага кўра йиллик асосий таътиллари – 15 иш кунидан ортиқча қўшимча таътиллари берилди (МКнинг 134-моддаси). Яъни йиллик ҳақ тўланадиган таътилни унинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллари асосий йиллик таътилга қўшилиди (МКнинг 140-моддаси).

Қўшимча таътил – айрим ходимларга белгиланган асосий таътилдан ташқари бериладиган меҳнат таътили тури. Уни бериш муддати ва тартиби меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида белгиланади (МКнинг 136-моддаси).

Шу тариқа, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси 1-қисми, 275-моддаси 2-қисми).

Таътилга чиқиш ва ундан қайтиш – фақат буйруқ асосида

Ходим 20 кунга (2017 йил 19 майдан 7 июнгача) иш ҳақи сақланмайдиган таътил олиш учун ариза ёзди, буйруқ расмийлаштирилди. Бироқ у олдинроқ – 2017 йил 30 майда қайтишга қарор қилди. Ходимнинг ташаббуси билан ҳақ тўланмайдиган таътилдан эртaroқ қайтиши тўғрисида буйруқни расмийлаштириш зарурми?

А.Турсункулова, КБ бошлиғи.

– Ҳа, зарур.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ходимнинг иш ҳақи сақланмайдиган таътилдан муддатидан олдин қайтиши масаласи аниқ тартибга солинмаган.

Иш берувчи розилик билдирганда эркин шаклда тегишли буйруқ чиқаради, яъни ходим 2017 йил 30 майдан бошлаб ўз меҳнат вазифаларини бажаришга киришганини маълумот учун қабул қилади.

Ходим дам олиши керак

Ходим 2009 йилдан бери ишлайди, навбатдаги йиллик таътилга атиги 1 марта, бунинг устига 12 иш кунига чиққан. Тўғри тушунган бўлсам, фойдаланилмаган таътил учун компенсацияни у фақат меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда пул кўришида олиши мумкин. Умуман олганда, бу таътиллари «куядими» ёки йўқми?

Г.Р.

– Йўқ, таътиллари «куймайди».

Эслатиб ўтамиз, таътил ҳар йили, шу таътил берилмаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим (МКнинг 143-моддаси 5-қисми).

Ходимга шунча йиллик узоқ давр ишлаши давомида таътил бермаслик меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

рини шубҳасиз қўпол равишда бузиш ҳисобланади, у жавобгарликка – мансабдор шахсларга нисбатан ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади (МЖТКнинг 49-моддаси).

Бундай таътиллари «куйиб кетмайди», сабаби меҳнат шартномаси бекор

қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151, 275-моддалари).

Ишлаш даврида таътилни шу кунларини таътиллари жадвалида ҳисобга олган ҳолда навбатдаги йиллик таътилга қўшиш ёки уларни алоҳида бериш мумкин.

Пенсияга чиқиш чоғидаги тўловлар

Ошпаз пенсияга чиқди. Мазкур корхонадаги умумий иш стажини 13 йилни ташкил этади. Унинг таъкидлашича, ишлаган ҳар бир йили учун компенсация олиши лозим. Аслида корхона унга фойдаланилмаган таътил учун компенсация, қўл ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ, шунингдек ишдан бўшатиш чоғида тўланадиган нафақани тўлади.

Корхона ушбу ходимга яна қандай компенсация ёки қўшимча ҳақ тўлаши керак?

М.Саидахмедова.

– Меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан бекор қилинаётганда унга қуйидагилар тўланади:

➤ барча иш кунлари, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун учун иш ҳақи (МКнинг 110-моддаси);

➤ фойдаланилмаган йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун компенсация (МКнинг 151-моддаси 1-қисми) – улар мавжуд бўлганда;

➤ огоҳлантириш муддати ўрнига 2 ой учун компенсация – ходим билан иш берувчи ўртасидаги қелишувга биноан (МКнинг 102-моддаси 2-қисми);

➤ ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси);

➤ ходим меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан унга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловлар.

Ходимнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тўловларга қўшимча

суммаларни тўлаш ҳақидаги талаби фақат битта шарт билан қаноатлантирилади. Улар корхонадаги жамоа қелишуви, жамоа шартномаси, бошқа локал ҳужжат ёхуд ходим билан турзилган меҳнат шартномасида назарда тутилган бўлиши керак.

Шу тариқа, меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда моддий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча қафолатлари масаласини аниқлаштириш учун корхонанинг локал ҳужжатлари билан танишиб чиқиш зарур.

Абдусалом Рискүллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНОВ**

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
**Нодир Носирович
АЛИМОВ**

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатиқчи – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ, баҳори қилинган нархда.
Буюртма 1015. Адади 1 150. Газета 2017 йил 19 июнь соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамлари
мурожаат қилиш мумкин.